

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 860-ҳадис

860 – وَعَنْ أَبِي عُمَارَةَ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِسَبْعٍ: «بِعِيَادَةِ الْمَرِيضِ، وَاتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ، وَتَشْمِيتِ الْعَاطِسِ، وَنَصْرِ الضَّعِيفِ، وَعَوْنِ الْمَظْلُومِ، وَإِفْشَاءِ السَّلَامِ، وَإِبْرَارِ الْقَسَمِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ، هَذَا لَفْظُ إِحْدَى رِوَايَاتِ الْبُخَارِيِّ [خ 6235، م 2066 وسبق برقم 246].

860. Абу Умора Баро ибн Озиб розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизни етти нарсага буюрдилар: «Касал кўриш, жанозага эргашиш, акса урганга ташмит\* айтиш, кучсизга ёрдам бериш, мазлумга кўмак бериш, саломни ёйиш ва қасам ичганнинг қасамини оқлаш».

*Муттафақун алайҳ.*

*Бу Бухорийнинг лафзидаги ривоятларнинг бири.*

**Шарҳ:** Бунга ўхшаш ҳадис ва унинг шарҳи 246-рақам остидаги ҳадисда ҳам келган.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам доимо яхши ва фойдали нарсаларга амр қилиб, ёмон ва зарарли нарсалардан қайтарганлар.

Ушбу ҳадиси шарифдаги амр қилинган нарсаларни бирма-бир ўрганиб чиқамиз:

### 1. «Бемор кўриш».

Бемор бўлган мусулмоннинг бошқа мусулмонлар устидан ҳаққи бор. У ҳам бўлса, улар келиб беморни зиёрат қилиб, кўнгил сўраб, ҳаққига дуо қилиб кетишлари экан.

Бу иш дуо ва яхши тилакларга сабаб бўлиши, савоб олишга восита бўлиши билан бирга, ўзаро муҳаббат ва ижтимоий алоқаларни мустаҳкамланишига

ҳамда яна бошқа кўпгина яхшиликларга сабаб бўлади.

Ушбу ҳадиси шариф ҳукми бўйича бемор бўлган мусулмон ҳақида хабар эшитган бошқа мусулмонлар уни бориб кўришлари бемор олдида бурчлари ҳисобланар экан. Шунинг учун ҳам қайси бир дин қардошимизнинг бемор бўлганини эшитсак, уни кўргани боришга шошилишимиз керак. Ўша биродаримизнинг биздаги ҳаққини адо этмоғимиз уни бориб кўриб, кўнгил сўраб, ҳаққига дуо қилишимиз билан бўлади.

## **2. «Жанозага эргашиш».**

Яъни, биров ўлганда жанозасида қатнашиб, намозини ўқиб, дафнида иштирок қилиш. Бу иш билан инсон мусулмон биродарининг ўзида бўлган ҳаққини адо этади. Ўлим ўзига яраша оғир мусибат. Ўлган мусулмонни ҳурмат-эҳтиром билан жойига қўйиш тирик мусулмонларга фарзи кифоя. Ҳар кимнинг бошида ҳам ўлим бор. Ким бошқа кишиларнинг ўлимида ҳурмат-эҳтиром кўрсатса, ўзи ҳам бошқалардан ҳурмат-эҳтиром кўради.

Шунингдек, ўлганнинг яқин кишилари, қариндош-уруғларининг ҳурмати, эътибори ҳам бор. Қайғули пайтда кўрсатилган одамгарчилик ижтимоий алоқаларни яхшиланишига сабаб ҳам бўлади. Қолаверса, жанозада иштирок этган инсон ўзи учун кўпгина ваъз-насиҳатлар, ибратлар олади. У ўлимни эслайди, ўзини ўнглаб юриш кераклигини ёдга олади.

## **3. «Ташмит - акса уриб, «Алҳамдулиллаҳ» деб айтган кишига қарата «Йарҳамукаллоҳ» - «Аллоҳ сенга раҳм қилсин» дейиш».**

Бу ҳам мусулмонлик бурчи. Ўзаро алоқаларни яхшилаш омилларидан бири. Бунда мусулмон одам айнан мазкур жумлани ишлатиши керак. «Соғ бўлинг», «Саломат бўлинг» ёки шунга ўхшаш бошқа иборалар унинг ўрнига ўтмайди.

## **4. «Кучсиз ва заифга ёрдам бериш».**

Кучсиз, камбағал ва мискинларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш.

## **5. «Мазлумга ёрдам бериш».**

Зулм Ислом дини наздида мункар ва ҳаром иш. Ер юзида зулм қолмаслиги керак. Мусулмонлар доимо зулмга қарши курашмоқлари керак. Жумладан, мазлумга ёрдам бермоқлари лозим. Ҳар ким имконига қараб, кимдир гап-сўз билан, кимдир амал билан мазлумдан зулмни кўтаришга ва заиф-бечораҳолларга кўмаклашишга уриниши керак.

## **6. «Саломни ёйиш».**

Салом бериш суннат, алик олиш вожиб, дейилгани ҳам шу сабабдан. Чунки саломга алик олинмаса, орада адоват, уруш-жанжал ва мусулмонлар ўртасида турли келишмовчиликлар чиқади.

#### 7. «Қасамни амалга ошириш».

Яъни, биров бир нарса хусусида қасам ичиб қўйган. Бошқа бир мусулмоннинг ўша қасамни амалга оширишда ёрдам беришига имкони бор. У қасам ичган одамга ёрдам бериши лозим.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

